Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 159 (6. 350) ◉ 1987 йил 15 июль, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

## Замондошимиз



# Коммунист бурчи

**Николай Григорьевич Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига биринчилар қаторида янги мажбурият олди. Буни ўз бурчи деб билар эди. Негаки коммунист ҳамиша олдинги сафда бўлиши, ҳаммага намуна кўрсатиши зарур. Николай Бондарь катта бир бригадага етакчилик қилади. Бу ҳам унинг зиммасига ҳамиша бошқаларга ўрнак бўлиш масъулиятини юклайди. Ҳа, бугунги кунда етакчи бўлиш энг аввало бутун коллективга ҳамма соҳада намуна кўрсатишни талаб этади!**

**«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган халқ истеъмоли буюмлари цехида у етакчилик қилаётган бригада қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Бирлашмада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули жорий этилиши фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Конструкторлар ҳам, бригадаларнинг аъзолари ҳам фақат шахсий план топшириқларини бажариш билан кифояланмасдан, бутун бригада, бўлим, бирлашма олдига қўйилган вазифаларни адо этиш учун астойдил курашмоқдалар.**

**Н. Бондарь етакчилик қилаётган бригада аъзолари қилинган ишларни холисона таҳлил этишяпти, қайта қуриш ва жадаллаштириш талаблари асосида иш юритишга интилишяпти. Бригада ўз олдида турган янги муаммоларни аниқ-равшан тушунади, шунинг учун ҳам бу ерда ишчанлик кайфияти, бир-бирига талабчанлик юқори.**

**Коллектив аъзоларидан В. Матицина, В. Черипанова, Ф. Изамутдинова ва бошқалар бригада оғирини енгил қилишяпти. Ўзаро мусобақани кун сайин авж олдираётган ишчилар юбилей шарафига олган мажбуриятларига яраша меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг мақсади — шонли санагача йиллик планни адо этишдир.**

**СУРАТДА: Н. Г. Бондарь.**

**Э. Зоҳидов** фотоси.

**КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари—ҳаётга!**

*Қурилиш майдонларида*

# Жадал суръатда

Пойтахтимиз кундан кунга обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Янги-янги турар жой микрорайонлари бунёд этилиб, кўкка бўй чўзаётган кўркам бинолар шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Ана шундай бинолардан бири шаҳримизнинг Усмон Юсупов ва Хуршид кўчалари кесишган жойда қад кўтаряпти. Бу турар жой биноси қурилишини «Главташкентстрой»нинг 2-уйсозлик комбинатига қарашли 3-ва 4-қурилиш бошқармаларининг аҳил коллективи бунёд этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларидан руҳланган коллектив айни кунларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини меҳнатда қувончли ютуқлар билан кутиб олиш учун астойдил бел боғлаган.

Бу ерда тўққиз қаватли 32 квартирага мўлжалланган иккита турар жой биноси бунёд қилиняпти. Михаил Пак ҳамда Михаил Мартинов бошлиқ бригада аъзолари йил бошидан бери фидокорона меҳнат қилиб, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб шу кунларда катта ҳажмда монтаж ишларини ниҳоясига етказмоқдалар.

— Бригадамиз аъзолари асосан 16 кишидан иборат бўлиб, ҳаммаси комсомол-ёшлардир, — дейди бригада бошлиғи М. Мартинов. — Айниқса Раҳим Жабборов, Андрей Шашков, Владимир Бойков, Толиб Қурбонов сингари ғайратли бинокорлар Злобин методи асосида меҳнат қилиб, ойлик планларини 108—110 процентга етказиб бажаришмоқда. Биз меҳнат қилаётган бу бино қурилишида ҳозирги кунгача ҳаммаси бўлиб 215 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Ёнма-ён, бир-бирига туташ қурилаётган бу биноларнинг биринчи қаватида ҳамшаҳарларимиз учун озиқ-овқат магазини ҳамда маиший хизмат пунктлари ташкил қилиш мўлжалланган.

— Биз бунёд этаётган иккинчи бино қурилишида ҳам монтаж ишлари охирлаб қолди, — дейди прораб Алижон Обидов. — Бизнинг аҳил бригадамиз интернационал комсомол-ёшлар бригадаси ҳисобланади. Айрат Сафин, Комил Тожибоев, Константин Калтирчин, Василий Муликов сингари қўли гул бинокорлар ишни тубдан қайта ташкил қилиб, жадаллаштириш йўлидан бориб меҳнат қилмоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб ойлик план топшириқларни 110—120 процентга бажаришга эришяпмиз.

Сифатли ва унумли меҳнат қилишни ўзларининг энг биринчи асосий вазифалари эканлигини яхши билган бу пешқадам бригада аъзолари айни кунларда ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Улар бу икки бинони юбилей шарафига муддатидан илгари 25 августда фойдаланишга топшириш учун азму қарор қилганлар.

**Д. ИКРОМОВА.**

# Сусткашлик қачонгача?

**Илгариги мавзуга қайтамиз**

Шаҳар қурилишининг бугунги манзарасига назар ташласак, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми минбаридан янграган **«...очиғини айтиш керакки, уй-жой қурилишида ҳали туб бурилиш бўлгани йўқ ва бу маълум даражада фақат маблағларнинг етишмаслиги билан эмас, балки кўпгина партия, совет ва хўжалик органларининг, раҳбар кадрларнинг муносабати билан белгиланади. Умумий гаплардан кейин ҳамиша ҳам бу муҳим вазифани бажариш учун ташаббускорона, собитқадам иш бўлаётгани, резервлар қидириб топилаётгани йўқ»** деган сўзлар нақадар ҳаётий эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мана бир мисол: газетамизнинг шу йил 6 март сонида «Ким ҳақ?, ёки бир объект қурилишидаги икки кун тафсилоти» сарлавҳали танқидий материал эълон қилинган эди. Унда «Промгражданстрой» трестига қарашли 7-механизациялашган кўчма колонна коллективи Беруний кўчасининг «Б-1» кварталида бунёд этаётган 5-турар-жой биносида қурилиш ишлари суст олиб бораётгани ҳақида сўз юритилганди. Мақолада кўчма колонна қурувчилари мазкур объект бўйича январь-февраль ойлари планларини бажаролмай қолганликлари, яъни январь ойида 35 минг сўмлик ўрнига 25 минг сўмлик, февраль ойида эса 20 минг сўмликка яқин иш бажарганликлари ҳақида хабар қилинганди. Бунга қурилиш механизмларининг ўз вақтида ремонт қилинмаслиги, кўтарма кранларнинг тез-тез бузилиб туриши, асосий сабаб қилиб кўрсатилганди.

Шу ўринда яна бир бор КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида таъкидланган **«уй-жой қурилишининг ўсиб бораётган ҳажмларини бажариш учун қувватлар етишмаётганлиги ҳақида бот-бот эшитишга тўғри келади. Бироқ, бундай изоҳлар ҳеч кимни қаноатлантира олмайди. Биринчидан, агар қувватлар етишмаётган бўлса, у ҳолда уларни вужудга келтирмоқ даркор; иккинчидан эса, ҳозир мамлакатда уйсозлик корхоналари қувватларининг 20 проценти умуман фойдаланилмай келяпти»**, деган сўзларни эслатиб ўтиш жоиз бўлади.

Хўш, ушбу мақола эълон қилингандан кейин, ўтган тўрт ой ичида объектда қандай ўзгаришлар рўй берди деган савол туғилиши табиий. Деярлик ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Биз яқинда шу объектда бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

Ҳозир объектда рельссиз юрадиган кичик кранни ҳисобга олмаганда, иккита кўтарма кран мавжуд. Бироқ, шу иккита крандан биттаси мунтазам ишламайди. Планнинг бажарилиши эса ўлда-жўлда. Масалан, шу йилнинг январь ойида мазкур объект бўйича план 71,5 процент бажарилган бўлса, май-июнь ойларига келиб, бу кўрсаткич ўртача 60 процентни ташкил этди.

Бундан ташқари объектда учта шахсий машиналар қўйиладиган гараж мавжуд. Бу қурилиш ишларини жонлантириб юборишга маълум даражада тўсқинлик қилмоқда. Бу ҳақда ҳам илгариги мақолада батафсил ёзилган эди. Шунга қарамай, гаражни кўчириш ҳақида ҳеч ким қайғурмаяпти.

— Бу мақолани биринчи марта кўриб туришимиз, — деди бригадир Анатолий Пушкарев. — Бу ҳақда бизга ҳеч ким, ҳеч нарса дегани йўқ. Аммо, объектдаги қурилиш ишларига келсак, бундан баттари бўлмайди. Объект қурилиш материаллари билан узлуксиз таъминланмайди. Ойлик эса йўқ ҳисоб. Масалан, май ойида уч одам бўлиб икки смена ишладик. Лекин қўлга олган ойлигимиз 140 сўмни ташкил этди. Кийиниб-ечинадиган вагондан бошқа ҳеч нарса йўқ. Тушликка эса «Ғунча» кинотеатри олдидаги ошхонага қатнаймиз. Овқатлар ниҳоятда сифатсиз.

Қурилиш оддий, техника хавфсизлиги воситалари билан ҳам таъминланмаган. Мисол учун ҳозир уйнинг юқори қаватларида монтаж ишлари олиб борилаётганига қарамасдан, шу вақтгача чиқиб-тушиш учун подъездларга зинапоялар ўрнатилмаган. Айни пайтда темир арматуралардан ишланган зинапоялардан чиқиб-тушиб юрибмиз. Бунга колонна техника хавфсизлиги инженери Гигашвили бефарқ қарамоқда. Иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳозир объектда учта бригада мавжудлигига қарамасдан, ҳаммаси бўлиб 28 одам ишлаб турибди.

Мақоладан кўчма колонна бош механиги Рудольф Шеек ҳамда колоннанинг бошқа раҳбарлари ҳам бехабар эканлар. Биз телефон орқали Р. Шеекдан шу мақола юзасидан колоннада қандай муҳокамалар бўлди, деб сўраганимизда, у бу танқидий материалдан мутлақо бехабар эканликларини айтди. Бош механик фақат биз уни мақоладан хабардор қилгандан кейин, материални ўқиб, унга жавоб тайёрласакмикан деб турибди. Бунга нима дейиш мумкин?

Яқинда тайинланган бош инженер Георгий Авидисяннинг айтишича, объектда юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликларнинг вужудга келишига асосий сабаб «Госкомводстрой» мазкур уйни пул билан таъминлашни тўхтатиб қўйганлигидир. Унинг айтишича, «Госархстройконтроль» томонидан объектни пул билан таъминлашга рухсат этилмаган. Сабаби, мазкур уйнинг ҳар бир квартираси сатҳи нормадагидан ўртача 10—20 квадрат метр кўп.

Хулоса қилиб айтганда, объектда қурилиш ишлари ҳаддан ташқари ёмон. Объектдаги иш бугунги кун талабига жавоб беролмаслигига ишончимиз комил. Шунинг учун ҳам кўчма колонна раҳбарлари газетанинг танқидий чиқишига эътиборсизлик билан қарашган ва ундан тўғри хулоса чиқариб олмаганлар.

Трест ҳамда кўчма колонна бошлиқлари объектда қурилиш ишларини жадаллаштириб, юборадилар, деган умиддамиз.

**Ғ. ЮСУПОВ,**

**«Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.**

1917 1987

## Топшириқ бажарилди

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига умумхалқ социалистик мусобақасида «Ташпромстрой» трестининг пардозлаш қурилиш бошқармасига қарашли Хайрулла Мирзаев бошлиқ бригада аъзолари қувончли натижаларга эришмоқдалар.

**Ҳозирги кунда бригада азаматлари «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивида бунёд этилган 48 квартирали турар-жой биносида бўяш, гулқоғоз ёпиштириш каби ишларни бажаришмоқда.**

**Бригада аъзоларидан Г. Гилязова, Ҳ. Ҳасанов, З. Хабибулина, Д. Сахобиевалар ғайрат-шижоат кўрсатиб, коллектив эришаётган муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшишмоқда.**

**— Коллективимиз, — дейди бригада бошлиғи Х. Мирзаев. — Турли миллат кишиларидан таркиб топган. Ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб ишлаймиз. Бу уй-жой биносини анъанавий байрамимиз — қурувчилар кунига совға қилиш ниятида қизғин ишлаяпмиз.**

## Чеварлар аҳди

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқда.

**Бирлашма ишчи ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини синчиклаб ўрганмоқдалар. Бу ҳужжатларда халқ фаровонлигини ошириш учун саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама такомиллаштиришга катта аҳамият берилган.**

**Иш вақти, техника ва илғор тажрибадан омилкорлик билан фойдаланиш туфайли янги марралар забт этилмоқда. Бирлашманинг 3-цехи чеварлари меҳнат беллашувида уч марта биринчи ўринни эгаллаб, шу ярим йил ичида пландан ташқари 694 костюм тайёрлашди. 5-цех коллективи эса 546 костюм, 7-цех 1164 жемпер қўшимча тайёрлашга эришишди.**

**Бирлашманинг 650 илғори Улуғ Октябрь 70 йиллик юбилейига атаб оширилган мажбурият асосида ишламоқда. Корхонанинг яна 14 ишчиси эса уч йиллик план-топшириғини бажариш мажбуриятини олган.**

## Вақтдан ўзиб

«Главташкентстрой» нинг «Отделстрой» трестига қарашли 11-қурилиш бошқармасида В. Воронин бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси фахр билан тилга олинади. Чунки бу бригада бошқармада социалистик мусобақада бир неча йилдан бери фахрли ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

**Коллектив бригада пудрати асосида меҳнат қиляпти. Улар шу кунларда «Ғалабанинг 40 йиллиги» турар жой массивида қад кўтараётган 44 квартирали уйда пардозлаш ишларини олиб боришмоқда. Ҳозир бу коллективнинг меҳнат календарида юбилей йилининг август ойи очилган.**

**— КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми материаллари билан чуқур танишиб қатор хулосалар чиқариб олдик, — дейди бригада бошлиғи В. Воронин. — Биз уй-жой қурилишини янада тезлаштириш юзасидан тадбирлар белгиладик. Ўртоқ М. С. Горбачев докладида таъкидлаганидек, уй-жой қурилиши — умумхалқ вазифасидир. Бунинг исботи тариқасида шуни айтмоқчиманки, партия съезди илгари сурган 2000-йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифасини бажаришда коллективимиз муносиб улушини қўшади.**

**Бригада аҳли турдош касбларни ўзлаштириб олган. Коллективда меҳнат графигини қайтадан такомиллаштирдик. Графикдан бир ой ўзиб ишлаётган пардозловчилар кунлик нормани 110—115 процентга етказиб адо этишмоқда. Бригаданинг Н. Потохонова, З. Собитова, Ш. Раҳматуллаев, Ш. Ҳожимуротов сингари пешқадам сайқалчилари бошқаларга ўрнак бўлмоқда.**

**Д. ОБЛАЕВ.**



**2-цех Тошкент асбобсозлик бирлашмасидаги энг зарбдор участкаларнинг биридир. Бу ерда асосан республикамиз машинасозлик корхоналари ва ремонт устахоналари учун металлни қирқишда қўлланиладиган асбоб-ускуналар тайёрлаб берилади. Цех коллективи зиммасидаги бу масъулиятли топшириқни доимо шараф билан бажариб келмоқда. Ойлик планлар мунтазам ошириб уддаланаяпти. Қолаверса, ҳар бир ишчи цехга юқори маданиятли ишлаб чиқариш коллективи номи берилиши учун астойдил курашмоқда.**

**СУРАТДА: цех илғор ишчиси, «Ҳурмат белгиси» ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари нишондори Роза Гартвич участка бошлиғи Валентина Левада билан тайёрланган маҳсулотнинг сифатини кўздан кечиришмоқда.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

## Тонгги газеталарда

**РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҲАММА КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАР, АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ, КОММУНИСТЛАР, КОМСОМОЛЛАР ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРГА МУРОЖААТНОМАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН.**

## Шифохона кенгаймоқда

1-юқумли касалликлар шифохонаси медицина хизмати кўрсата бошлаганига 60 йил бўлди.

Шифохонани кенгайтириш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети буюртмаси билан София кўчасида уч блокли 6 қаватли 180 ўринли янги корпуслар қурилиши ниҳоясига етяпти. Бу иншоотнинг лойиҳаси «ГипроНИИздрав»нинг Ўрта Осиё филиалида ишланган. Биринчи блокда маъмурий ҳамда Тошкент медицина институти юқумли касалликлар кафедраси жойлашади. Кафедрада студентлар медицинанинг замонавий техника воситаларини ўрганишлари учун қулай шароит яратилган.

Иккинчи бинода 180 бемор шифо топиши учун шароит муҳайё. Ҳар бир қаватда буфет, ошхона мавжуд. Учинчисида хўжалик ва ёрдамчи хизмат хоналари бўлади. Бу қурилишлар учун 210 минг сўм сўм маблағ сарфланмоқда. Қурилиш ишларини 6-трестга қарашли 7-қурилиш бошқармаси мастери А. Газиев бошлиқ бинокорлар олиб боришмоқда. Улар биринчи ҳамда иккинчи блок қурилиш ишларини муддатидан олдин тугатдилар. Пардозлаш ишларини 2-«Отделстрой»нинг 46-қурилиш бошқармасига қарашли Р. В. Ахмеджанова бошчилигидаги пардозловчилар бригадаси олиб бормоқда.

Шифохонанинг янги бинолари шу йилнинг учинчи кварталида ишга туширилади.

## Аёллар мулоқоти

Ленин район хотин-қизлар совети аъзоларининг II маҳалла аёллари — қаҳрамон оналар, қайнона ва келинлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ленин район хотин-қизлар совети раиси Э. Султонова, биринчи ўзбек аёл парашютчиси, тепловоз машинисти Б. Мирбобоева, Ленин район партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири Р. И. Кушева, ошхоналар тресті директори ўринбосари Ф. Соатовалар иштирок этишди. Учрашув савол-жавоблар, бадиий чиқишлар билан файзли бўлди. Қайнона ва келин муносабатлари, замонавий ёш оилалар қандай бўлиши ҳақида ўзаро суҳбатлашиб, фикрлашилди. Ў. Орифбоева, Т. Комилова каби Қаҳрамон оналар ўз оилалари, бола тарбияси ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

Маҳалла аёллари шу даврада спорт майдончаси, сартарошхона, янги мактаб қуриш, теварак-атрофни ободонлаштириш тадбирларини белгиладилар.

**Ж. АСАДОВА,**

## Янги маҳсулот

«Промстройкомплект» бирлашмасининг Чуқурсойдаги девор ва керамзит панеллари комбинати пландаги 4 миллион ўрнига 4 миллион 150 минг сўмлик иш бажариб, ярим йиллик топшириқни муддатидан олдин адо этди.

**КПСС XXVII съезди илгари сурган 2000-йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки хусусий уй билан таъминлаш вазифасини бажаришга комбинат коллективи ҳам астойдил киришган.**

**Шуниси қувончлики, июль ойидан комбинат аҳолига силикат ғишти ишлаб чиқара бошлади. Бу бинокорлик материалининг оддий ғиштдан фарқи шундаки, у қоришмани ўзига яхши олади. Ўтга чидамли, печларга ишлатса ҳам бўлади. Комбинат дастлабки 800 кубометр янги маҳсулотини сотувга чиқаради.**

*Тошкент журналистлар ташкилотида*

**КЕЧА Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти клубида Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди.**

**Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти правлениесининг раиси Н. Насимов «СССР Журналистлар союзи VI съезди ва Ўзбекистон Журналистлар союзи VII съезди қарорлари асосида бошланғич журналистлар ташкилотларининг редакциялар коллективлари ижодий ҳаётидаги ролини ошириш ҳақида» доклад қилди.**

**Ўзбекистон Журналистлар союзи Тошкент ташкилоти бюросининг ўтган ярим йил ичидаги иши тўғрисида правление секретари Ф. Ю. Абдураҳмованинг ахбороти тингланди.**

**Пленумда бошқа масалалар ҳам қараб чиқилди.**

*Телетайп лентасидан*

● **БЕРЛИН. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг таклифи ядровий қуролсизланишга киришиш учун тарихий имконият яратиб беради, деди ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Герман Аксен ГДР пойтахтида Дания Компартиясининг раиси Оле Сон билан бўлиб ўтган учрашувда.**

У яқин вақт ичида Европада АҚШ ва СССРнинг ядро ракеталарини тугатиш тўғрисида битим тузиш учун барча ишлар қилиш зарурлигини айтди. Бундай битим тузилишига халақит беришга уринаётган кучларнинг қаршилигини бартараф этиш керак. Бу, айниқса, ГФРнинг 72 та «Першинг-1А» ракетасини битимдан истисно қилиш йўлидаги уринишларга тааллуқлидир, деди Аксен.

Дания коммунистларининг раҳбари Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларининг тинчлик ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини айтди. Шимолий Атлантика блоки «Дастлабки ядровий зарба», «Ядро қуроли билан чўчитиш» доктриналаридан воз кечиши ва иккала ҳарбий-сиёсий иттифоқнинг ҳарбий доктриналари юзасидан маслаҳатлашувлар тўғрисида Варшава Шартномасининг таклифини қабул қилиши зарур, деди у.

● **КОПЕНГАГЕН. Бу ерда Европа Иқтисодий Ҳамжамияти министрлар кенгашининг ташқи ишлар министрлари иштирокидаги кенгаши ўз ишини тамомлади.**

Учрашув қатнашчилари қурол-яроғлар устидан контроллик тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги мулоқот олға томон силжиб, ҳозирги вақтда ўртача олислик ракеталари тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида битим тузиш учун бирмунча қулай истиқболлар пайдо бўлганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Бир вақтлар Вашингтоннинг тазйиқи остида Сурияга қарши жорий этилган жазо чораларини қисман бекор қилиш ва Сурия ҳукумати билан юксак дипломатия даражасидаги алоқаларни тиклаш тўғрисидаги қарор сессиянинг муҳим якуни бўлди. Сессия қатнашчилари ўртасидаги келишмовчиликлар уларнинг Жанубий Африка республикаси апартеид режимига нисбатан янги жазо чоралари жорий этиш тўғрисида келишиб олишларига имкон бермади. Дания сиёсий обзорчиларининг фикрича, бунга Англия, ГФР ва Португалия қатъиян қаршилик кўрсатдилар.

● **АФИНА. Греция шу йил сентябрь ойида Эгей денгизи акваториясида «Дисплей детерминейшн» маҳфий ном остида ўтказиладиган НАТО машқларида қатнашмайди.**

Греция ҳукуматининг расмий вакили Сотирис Костопулос шу ҳақда маълум қилди.

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг чегарадаги Панжоб штатидан Сикх террорчилари яна қуролли ҳужум қилганликлари тўғрисида хабарлар олинди.**

Республика миллий бирлиги ва бутунлиги душманларининг қонли жиноятлари натижасида ўн киши жароҳатланди. Амрицар шаҳри яқинида сепаратчиларнинг яширин гуруҳи аъзолари маҳаллий электр таъминот бошқармаси биносига бостириб кириб одамларни автоматдан ўққа тутди. Ҳужум натижасида ходимлардан тўрт киши ўлдирилди. Каллакесарлар яширинишга муваффақ бўлишди. Полиция кун бўйи ўтказган рейд давомида экстремистлардан 9 киши қўлга олинди.

● **ЛОНДОН. Хусусий визит билан бу ерга келган Иордания қироли Хусайн Англия Бош министри Маргарет Тэтчер билан учрашди.**

Яқин Шарқ проблемасини бартараф этиш, жумладан, шу масала юзасидан халқаро конференция чақириш музокараларнинг диққат марказида бўлди. Хабар қилинишича, иккала томон ғоят қисқа вақт ичида бундай конференцияни чақиришнинг ўзаро мақбул формуласини ишлаб чиқиш зарур, деган якдил фикрга келди. Уларнинг фикрича, конференцияни чақириш ҳозирги вақтда можарони бартараф этишнинг энг реал йўлидир.

